

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«10 » январь 2020 ў.

№ 18

Toshkent sh.

**Давлат тиббиёт муассасалари томонидан фуқароларга  
маълумотномалар бериш тартибини янада соддалаштириш  
чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахолига давлат хизматлари кўрсатишининг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 12 декабрдаги ПФ-5278-сон Фармонига мувофиқ Руҳий касалликлар бўйича диспансер ва Наркология диспансери томонидан фуқароларнинг диспансер ҳисобида туриши ёки турмаслиги тўғрисида маълумотномалар бериш тартибини соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Соглиқни саклаш вазирлиги ва Алдия вазирлигининг фуқароларнинг Руҳий касалликлар бўйича диспансер ҳамда Наркология диспансери ҳисобида туриши ёки турмаслиги тўғрисидаги маълумотномани Давлат хизматлари марказлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда ЯИДХП деб аталади) орқали тақдим этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилансинки, 2020 йил 1 апрелдан бошлаб:

Руҳий касалликлар бўйича диспансер ҳамда Наркология диспансери томонидан фуқароларнинг ҳисобида туриши ёки турмаслиги тўғрисидаги маълумотномани тўғридан-тўғри бериш амалиёти бекор қилинади;

фуқароларга Руҳий касалликлар бўйича диспансер ҳамда Наркология диспансери ҳисобида туриши ёки турмаслиги тўғрисидаги маълумотнома фақат Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали тақдим этилади;

наркология ва руҳий касалликларга чалинган фуқаролар ҳисоби фақат электрон шаклда юритилади.

3. Куйидагилар:

Фуқароларнинг Руҳий касалликлар бўйича диспансер ҳисобида туриши ёки турмаслиги тўғрисида маълумотнома бериш бўйича давлат хизмати кўрсатишининг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ;

Фуқароларнинг Наркология диспансери ҳисобида туриши ёки турмаслиги тўғрисида маълумотнома бериш бўйича давлат хизмати кўрсатишининг маъмурий регламенти 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Соғликни сақлаш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 марта кадар давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган автоматлаштирилган электрон ахборот тизимини ишлаб чиқсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги 2020 йил 1 апрелга қадар автоматлаштирилган электрон ахборот тизимига Руҳий касалликлар бўйича диспансер ва Наркология диспансери ҳисобида турган фуқаролар хақида тегишли маълумотларни киритиб, электрон база шакллантирилишини таъминласин ҳамда давлат хизматларини кўрсатишда тегишли маълумотларда фойдаланиш имкониятини тақдим килсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги:

2020 йил 1 февралга қадар давлат хизматларн кўрсатиш учун зарур ҳужжатларнинг намунавий шакллари, бланкалари ишлаб чиқилишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги (кейинги ўринларда Давлат хизматлари агентлиги деб аталади) билан келишилган ҳолда тасдиқланишини;

2020 йил 1 марта кадар Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда худудий бўлинмаларнинг ЯИДХПга уланишини;

2020 йил 1 апрелга қадар Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда Давлат хизматлари марказларнинг ходимлари иштирокида ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентларни амалда кўллашнинг самарадорлиги ва натижадорлиги даражасини оширишга йўналтирилган ўқув семинарлари ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминласин.

7. Давлат хизматлари агентлиги ЯИДХПда давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳар бир босқичида юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўzlари кабул килган норматив-хуқукий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиклаштиурсин.

9. Белгилаб қўйилсинки, давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги раҳбарлари ушбу қарорда назарда тутилган вазифаларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси соғликни сақлаш вазири А.Қ. Шадманов ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.Қ. Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасинин  
2020 йил 10 январдаги 18-сон карорига  
1-илова

**Фуқароларнинг Руҳий касалликлар бўйича диспансер  
хисобида туриши ёки турмаслиги тўғрисида маълумотнома  
бериш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг  
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қондалар**

1. Ушбу Регламент жисмоний шахсларга (кейинги ўринларда ариза берувчилар деб аталади) руҳий касалликлар бўйича диспансер хисобида туриши ёки турмаслиги тўғрисида маълумотнома бериш бўйича давлат хизмати (кейинги ўринларда давлат хизмати деб аталади) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Давлат хизмати Ҷавлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда ЯИДХП деб аталади) орқали Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги, Корабалоғистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни саклаш бошкармалари ва Тошкент шаҳар соглиқни саклаш бош бошкармаси (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) томонидан кўрсатилади.

3. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўртасида ахборот алмашинуви электрон ракамли имзони (кейинги ўринларда ЭРИ деб аталади) мажбурий тартибда қўллаш орқали факат идоралараро электрон ўзаро боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

4. Давлат хизмати ушбу Регламентга 1-иловага мувофиқ схема асосида кўрсатилади.

**2-боб. Давлат хизматини кўрсатиш тартиби**

5. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланиш учун Ҷавлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этади ёки давлат хизматларидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

6. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон шаклда мустақил тўлдиради. Учинчи шахслар манфаати учун ҳаракат қилаётганда сўровномага нотариал тасдиқланган ишончнома илова килинади.

7. Зарур маълумотлар сўровномага киритилгандан сўнг ариза берувчи уни ўз электрон ракамли имзоси билан тасдиқлайди.

ЭРИ калити бўлмаган ҳолларда тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

8. Давлат хизмати Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатилгани учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2,0 фоизи миқдорида йигим ундирилади (ногиронлиги бўлган ёки тўлик давлат таъминотидаги фуқаролар бундан мустасно).

Давлат хизматидан фойдаланиш учун ЯИДХП орқали мурожаат килинганда, Давлат хизматлари марказлари орқали мурожаат этганда тўланадиган сумманинг 90 фоизи миқдорида йигим тўланади.

Давлат хизмати кўрсатилгани учун йигим тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

9. Йигимлар суммаси кўйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда:

50 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамгармасининг шахсий ҳисобрақамига ўтказилади;

50 фоизи – тегишли Руҳий касалликлар диспансери бюджетдан ташқари жамгармасининг шахсий ҳисобрақамига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамгармасининг шахсий ҳисобрақамига ўтказилади;

90 фоизи – тегишли Руҳий касалликлар диспансери бюджетдан ташқари жамгармасининг шахсий ҳисобрақамига ўтказилади.

10. Сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилиши, шунингдек, давлат хизматлари кўрсатиш учун йигимни тўламаслик давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Давлат хизматлари кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

11. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай боскичида бош тортиш ҳукуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош торганда, унинг сўровномаси кўрилмасдан қолдирилади. Бунда тўланган йигим суммаси қайтарилмайди.

12. Ариза берувчи давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси Давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, ариза бсрувчи томонидан тасдиқланганидан сўнг барча хужжатлар реал вақт режимида ваколатли органга электрон шаклда юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат килинганда эса сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

13. Ваколатли орган сўровнома тушган вақтдан бошлаб реал вақт режимида QR-код (матрик штрихли код) кўйилган маълумотномани расмийлаштиради

хамда уни ўз ЭРИси билан тасдиқлаб, тегишли Давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ариза берувчига (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали электрон равишда юборади.

Давлат хизматлари маркази маълумотнома келиб тушгандан сўнг реал вакт режимида уни ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва ариза берувчини бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор килади. Давлат хизматлари маркази ариза берувчи ўзи келиб мурожаат қилиган тақдирда, ариза берувчининг сўровига кўра, унга маълумотномани электрон шаклида ёки қоғоз шаклда муҳрини босиб, масъул ходимнинг имзосини қўйиб бериши шарт.

### **3-боб. Якуниловчи қондалар**

14. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошкармалари ва Давлат хизматлари марказлари Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини, шу жумладан ЯИДХП орқали доимий назорат ва мониторинг қилиб боради.

16. Ариза берувчилар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-харакатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят килишлари мумкин.

17. Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлиган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Фуқароларнинг Рухий касалликлар бўйича диспансер  
хисобида туриши ёки турмаслиги тўгрисида  
маълумотнома бериш бўйича давлат хизмати  
кўрсатишнинг маъмурий регламентига  
1-илова

**Фуқароларнинг Рухий касалликлар бўйича диспансер хисобида  
туриши ёки турмаслиги тўгрисида маълумотнома бериш  
бўйича давлат хизмати кўрсатиш**

**СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-bosqich	Ариза берувчи	Маълумотнома олиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат қилиш ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида рўйхатдан ўтиш.	Хохишига кўра
2-bosqich	1. Давлат хизматлари маркази  2. Ягона интерактив давлат хизматлари	Сўровномани ваколатли органга юбориш.	1. Сўровнома тўлдирилганда ан сўнг реал вакт режимида  2. Автоматик тарзда
3-bosqich	Ваколатли орган (Рухий касалликлар диспансери)	QR-код (матрик штрихли код) кўйилган маълумотномани расмийлаштиради ҳамда уни электрон раками имзою билан тасдиқлаб, тегишли Давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ариза берувчига (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон равишда юбориш	Реал вакт режимида
4-bosqich	Давлат хизматлари маркази	1. Маълумотнома келиб тушгандан сўнг уни ариза берувчининг электрон манзилига юбориш ва ариза берувчини бу ҳақда ахборот-коммункация тизими орқали хабардор қилиш.  2. Ўзи келиб мурожаат килганда маълумотномани унга ўзининг муҳрини босиб, ариза берувчига бериш.	1. Реал вакт режимида  2. Ариза берувчининг сўровига асосан

Фуқароларнинг Руҳий касалликлар бўйича диспансер  
хисобида туриши ёки турмаслиги тўғрисида  
маълумотнома бериш бўйича давлат хизмати  
кўрсатишнинг маъмурий регламентига  
2-илова

(санаси)

(раками)

**Фуқароларнинг руҳий касалликлар бўйича диспансер хисобида  
туриши ёки турмаслиги тўғрисида маълумотнома олиш учун  
СЎРОВНОМА**

<b>I. Ариза берувчи тўғрисида маълумот:</b>	
1. Фамилияси (ўзгарган бўлса, у ҳақда маълумот киритилади):	
2. Испи (ўзгарган бўлса, у ҳақда маълумот киритилади):	
3. Оғасининг исми (ўзгарган бўлса, у ҳақда маълумот киритилади):	
4. Наспори маълумотлари (серияси, рақами, санаси, ким томонидан берилган):	
5. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ПИР) (мавжуд бўлганда):	
6. Тугилган санаси:	
6. Тугилган жойи:	
7. Яшаш манзили:	
8. Электрон манзили ва телефон рақами:	
<b>II. Илова қилинадиган ҳужжат</b> (агар учинчи шахстар манфаати учун харакат қилинаётган бўйса):	
нотариал тасдиқланган ишончнома:	

Вазирлар Махкамасининг  
2020 йил 10 январ лаги 18 -сон карорига  
2-илова

**Фуқароларнинг Наркология диспансери ҳисобида туриши  
ёки турмаслиги тўғрисида маълумотнома бериш бўйича  
давлат хизмати кўрсатишнинг  
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қондалар**

1. Ушбу Регламент жисмоний шахсларга (кейинги ўринларда ариза берувчилар деб аталади) наркология диспансери ҳисобида туриши ёки турмаслиги тўғрисида маълумотнома бериш бўйича давлат хизмати (кейинги ўринларда давлат хизмати деб аталади) кўреатиш тартибини белгилайди.

2. Давлат хизмати Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда ЯИДХП деб аталади) орқали Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Корақалпогистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шахар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) томонидан кўрсатилади.

3. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўртасида ахборот алмашинуви электрон рақами имзони (кейинги ўринларда ЭРИ деб аталади) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро электрон ўзаро боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

4. Давлат хизмати ушбу Регламентга 1-иловага мувофиқ схема асосида кўрсатилади.

**2-боб. Давлат хизматини кўрсатиш тартиби**

5. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этади ёки давлат хизматларидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХПла рўйхатдан ўтади.

6. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон шаклда мустакил тўлдиради. Учинчи шахслар манфаати учун ҳаракат қилаётганда, сўровномага нотариал тасдиқланган илончнома илова килинади.

7. Зарур маълумотлар сўровномага киритилгандан сўнг ариза берувчи уни ўз электрон рақами имзоси билан тасдиқлайди.

ЭРИ калити бўлмаган ҳолларда, тегишли имзолар идентификация килишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

8. Давлат хизмати Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатилгани учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2,0 фоизи миқдорида йигим ундирилади (ногиронлиги бўлган ёки тўлиқ давлат таъминотидаги фуқаролар бундан мустасно).

Давлат хизматидан фойдаланиш учун ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда, Давлат хизматлари марказлари орқали мурожаат этганда тўланадиган сумманинг 90 фоизи миқдорида йигим тўланади.

Давлати хизмати кўрсатилгани учун йигим тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдикланади.

9. Йигимлар суммаси куйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда:

50 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобрақамига ўтказилади;

50 фоизи – тегишли Наркология диспансери бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобрақамига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобрақамига ўтказилади;

90 фоизи – тегишли Наркология диспансери бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобрақамига ўтказилади.

10. Сўровномада нотўгри маълумотлар кўрсатилиши, шунингдек, давлат хизматлари кўрсатиш учун йигимни тўламаслик давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос хисобланади.

Давлат хизматлари кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

11. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўрилмасдан колдирилади. Бунда тўланган йигим суммаси кайтарилемайди.

12. Ариза берувчи давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, ариза берувчи томонидан тасдиқланганидан сўнг барча хужжатлар реал вакт режимида ваколатли органга электрон шаклда юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

13. Ваколатли орган сўровнома тушган вақтдан бошлаб рсал вакт режимида QR-код (матрик штрихлн код) кўйилган маълумотномани расмийлаштиради ҳамда уни ўз ЭРИси билан тасдиқлаб, тегишли давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ариза берувчига (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали электрон равишда юборади.

Давлат хизматлари маркази маълумотнома келиб тушгандан сўнг реал вакт режимида уни ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва ариза берувчини бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қиласди. Давлат хизматлари маркази ариза берувчи ўзи келиб мурожаат килган тақдирда, ариза берувчининг сўровига кўра, унга маълумотномани электрон шаклда ёки қоғоз шаклда муҳрини босиб, масъул ходимнинг имзосини қўйиб бериши шарт.

### **3-боб. Якунловчи қонидалар**

14. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сакланишини таъминлайди.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг худудий бошкармалари ва Давлат хизматлари марказлари Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошка ташкилотларнинг фаолиятини, шу жумладан ЯИДХП орқали доимий назорат ва мониторинг қилиб боради.

16. Ариза берувчилар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-харакатлари юзасидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда шикоят килишлари мумкин.

17. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Фуқароларнинг Наркология диспансери ҳисобида туриши ёки турмаслиги тўғрисида маълумотнома бериш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурний регламентига  
1-илова

**Фуқароларнинг Наркология диспансери ҳисобида туриши ёки турмаслиги тўғрисида маълумотнома бериш бўйича давлат хизмати кўрсатиш СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажарини муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	Маълумотнома олиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат килиш ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида рўйхатдан ўтиш.	Хохишига кўра
2-босқич	1. Давлат хизматлари маркази  2. Ягона интерактив давлат хизматлари	Сўровномани ваколатли органга юбориш.	1. Сўровнома тўлдирилганда сўнг реал вакт режимида  2. Автоматик тарзда
3-босқич	Ваколатли орган (Наркология диспансери)	QR-код (матрик штрихли код) кўйилган маълумотномани расмийлаштиради ҳамда уни электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаб, тегишли Давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ариза берувчига (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон равишда юбориш.	Реал вакт режимида
4-босқич	Давлат хизматлари маркази	1. Маълумотнома келиб тушгандан сўнг уни ариза берувчининг электрон манзилига юбориш ва ариза берувчини бу хақда ахборот-коммункация тизими орқали хабардор килиш.  2. Ўзи келиб мурожаат қилганда, маълумотномани унга ўзининг муҳрини босиб, ариза берувчига бериш.	1. Реал вакт режимида  2. Ариза берувчининг сўровига асоссан

Фуқароларнинг Наркология диспансери хисобида  
туриши ёки турмаслиги тўғрисида маълумотнома  
берниш бўйича давлат хизмати кўрсатишининг  
маъмурий регламентига  
2-илова

(санга)

(ракам)

**Фуқароларнинг Наркология диспансери хисобида туриши  
ёки турмаслиги тўғрисида маълумотнома олиш учун  
СЎРОВНОМА**

**I. Ариза берувчи тўғрисида маълумот:**

1. Фамилияси (ўзгарган бўлса, у хақда маълумот киритилади):
2. Исми (ўзгарган бўлса, у хақда маълумот киритилади):
3. Отасининг исми (ўзгарган бўлса, у хақда маълумот киритилади):
4. Паспорт маълумотлари (серияси, раками, санаси, ким томонидан берилган):
5. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация раками (ЖШИР) (мавжуд бўлгандан):
6. Туғилган санаси:
6. Туғилган жойи:
7. Яшаш манзили:
8. Электрон манзили ва телефон рақами:

**II. Илова қилинадиган хужжат (агар учинчи шахслар манфаати учун ҳаракат қилинаётган бўлса):**

нотариал тасдиқланган ишончнома:

